ва талабалар ушбу матнни ўқийдилар, мазмун ва моҳиятини англаган ҳолда бир - бирлари билан савол-жавоблар қиладилар. Матн эса қиёслаш, мустақил фикрлаш, фикрни эркин баён этиш, мушоҳада юритиш йўли билан мустаҳкамланади.

**Вазифага доир интеграция** дарс жараёнида талабалар турли ҳил машқ ва вазифаларни интегратив тарзда бажаришлари кўзда тутилади. Унда вазифалар кетма-кет берилади, шунингдек педагогик ва инновацион технологиялар орқали амалга оширилади. Бу эса талабаларда таълим олишни жадаллаштиради ва дарсга бўлган мотивацияни ҳам ривожлантиради. Талабаларда якка, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш ҳамда фикр алмашиш билан бир қаторда бир-бирларига кўмаклашиш имконини ҳам яратади.

**Нутқ фаолияти интеграцияси** муҳим аҳамиятни касб этиб, унда тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш малакалари бир дарснинг ўзида уйғунлашади. Талаба тинглаб тушунган маълумотини гапиради, ўқишда олган маълумотини ёзиш орқали амалга оширилади. Ф.Алимов таъкидлашича чет тилида нутқ фаолияти турларига мос нутқий кўникмалар шакллантирилаётганда уларнинг ҳар бири шу нутқий фаолият турида машқ қилинмоғи керак, яъни гапиришни гапириш, ёзишни ёзиш, ўқишни ўқиш, тинглаб тушунишни тинглаб тушуниш орқали ўргатиш керак [11:21]. Нутқ фаолияти интеграцияси талабаларда инглиз тилини пухта ўрганишга имкон яратади ҳамда уларда коммуникатив компетенцияларни ривожлантиришга ёрдам беради.

Демак, инглиз тилини интегратив ёндашув асосида ўқитишни ташкил этиш фанлараро алоқаларни кучайтиришга ва талабаларнинг турли мавзуларга оид ахборотларни тўплаш, турли фанлардан керакли маълумотларни олиш ва улардан нутқий вазиятга мос ҳолда фойдаланиш компетенциясини шакллантиришга кўмак беради. Бу таълим жараёнининг самарадорлигини оширишда, турли фанлардан олинган билимларни амалий қўллашга ўргатиш орқали талабаларнинг касбий компетенцияларини шакллантиришда муҳим амалий аҳамиятга эга.

**Адабиётлар**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2017-йил. 6-сон, 70-модда. 20-сон, 354-модда.
2. Авазбоев А.И. Ўкув предметлари мазмунини интеграциялаш асосида меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларини тайёрлашни такомиллаштириш. Дисс. пед.фанлар.номзоди. -Т.: 2001.
3. Исакулова Н.Ж. Узлуксиз таълим жараёнида ўқувчиларга фанлараро экологик тарбия беришнинг назарияси ва амалиёти. Дисс пед.фанлар доктори. –Т.: 2012, 288-б.
4. Макухина И.В. Педагогические условия интеграции областей знания при формировании понятий о целостности мира ( на материале начального образования). Автореф. дисс. пед.фан.ном. -Т.: 2010, 20-б.
5. Тошов М.Ж. Педагогика коллежлари таълими жараёнида педагогик интеграциянинг мазмуни ва тузилмасини таьминлаш. Автореф. дисс. пед. фан.ном. -Т.: 2012, 168-б.
6. Бахарева Л.Н. Интеграция учебных занятий в начальной школе на краеведческой основе. // Начальная школа. №8. 1991. - С. 48-51
7. Календарова З.К. Мактабгача ва бошланғич таълимда интеграцияни амалга ошириш масалалари. // «Узлуксиз таълим». №3. −Т.: 2014, 14-б.
8. Мавланова Р., Вохидова Н., Раҳмонкулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи. −Т.: 2010. 464-б.
9. Кололожвари И., Сеченикова Л. Как организовать интегрированный урок? //Народное образование. 1996. №1. -С.87-89.
10. Ҳақиқат манзаралари 96 мумтоз файласуф. −Т.: «Янги аср авлоди», 2010, 255-б.
11. Алимов Ф.Ш. Инглиз тилида ёзув компетенциясини шакллантириш (нофилологик факультетлар мисолида): Дисс. пед.ф. бўйича фалсафа .докт. -Т.: 2018, 158-б.



**РЕЗЮМЕ**

Мазкур мақолада узлуксиз таълим босқичида инглиз тилини ўқитишда ва ўрганишда интегратив ёндашувнинг роли ҳақида фикр юритилади. Жумладан, мақолада интегратив таълим турлари, инглиз тилини ўргатишда интегратив таълимни қўллашнинг афзалликлари ва унинг ўзига хос хусусиятларига оид маълумотлар берилади.

**РЕЗЮМЕ**

В статье рассматривается роль интегрированного подхода в преподавании и обучении английскому языку на этапах непрерывного образования. В ней обсуждаются и обосновываются типы интегрированного обучения и особенности использования интеграции в обучении английскому языку.

**SUMMARY**

In the article there was discussed the role of the integrated approach in teaching and learning English in continuous education. The author of the article studies the types of integrated approach, advantages and peculiarities of using integrated education in teaching English.


# БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ – МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ - ШАРОИТЛАРИ


**Н.М.Кучкорова** - *катта ўқитувчи*

*Урганч давлат университети*



**Таянч сўзлар:** компонент, когнитив, мотивацион, аҳлоқий, рағбатлантириш технологияси, диагностика, интеллектуал когнитив.

**Ключевые слова:** компонент, когнитивный, мотивационный, этический, стимулирующие технологии, диагностический, интеллектуально- когнитивный.

**Key words:** component, cognitive, motivational, ethical, stimulating technologies, diagnostic, intellectual-cognitive.


Бугунги кунда юқори малакали мутахассисларни тайёрлашнинг замонавий муаммолари таълимнинг умумий муаммолари ва жамият маданиятини ривожлантириш билан чамбарчас боғлиқдир. Мавжуд қонунчиликка мувофиқ, мамлакатимизда таълим тизими маданияти ва таълим соҳасининг уйғунлиги биргаликда амалга оширилади. Аслида таълим маданиятга киришишнинг асосидир, шахсни шакллантирадиган, шахсни тарбиялайдиган, унинг маданиятини ривожлантирадиган бу таълимдир. Бугун юртимизда эркин демократик жамият шаклланмоқда, бозор муносабатлари хаётимизга кириб келмоқда. Халқнинг тўкин ҳаёт кечириши, унинг ўз иқтисодий маданиятини ривожлантириши, янги – янги инновацион ғояларни олиб чиқиши учун кенг имкониятлар яратиб берилмоқда.

Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ёшлар келажагимиз Давлат Дастури”да, ёшларнинг бандлигини таъминлаш ва уларни тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилиш бўйича ккатор ишларни ташкил қилишга алохида эътибор қаратилган. Мустақилликнинг шарофати билан бугун Ўзбекистон учун дунё эшиклари очилди. Ривожланган мамлакатлар билан тажриба алмашиш имкониятлари кенгайди. Таълим тизимида кечаётган ислоҳотлар ҳар бир бўлажак мутахассисларни теран

фикрлашга, янгиликларга интилишга ўргатмоқда.

Бўлажак мутахассислар олий таълим муассасасида таҳсил олиш жараёнида керакли касбий билимларни эгаллаши, ўз қобилияти ва имкониятларини юзага чиқара олиши , ўз – ўзини англаши, атрофдагиларнинг ва тенгдошларининг ижобий фазилатларини кўра олиши ўзини маънавиятнинг истеъмолчиси сифатида эмас, балки яратувчиси сифатида кўра олиши зарур.

Давлатимиз томонидан олиб борилаётган кадрлар тайёрлаш сиёсатининг асосий йўналишларидан бири, саводли, ташаббускор ва билимдон, ҳаётдаги иқтисодий ютуқларини ишлаб чиқиш ва амалга ошира оладиган мутахассисларни тайёрлашдир.

Жамиятда шахснинг иқтмисодий маданиятини ўстириш авлод аждодларимиз томонидан ҳам тадқиқ этилган Алишер Навоийнинг иқтисодий масалаларга оид ғоялари 1482 йилда ёзилган «Вақфия» ва 1500 йилда ёзилган «Маҳбуб-ул-қулуб» асарларида баён этилган. У ҳар бир киши маҳсулотни уч қисмга бўлиб, биринчи қисмини кетган харажатга, иккинчи қисмини ўзининг ва оиласининг эҳтиёжларига, учинчи қисмини эса аҳолининг ижтимоий манфаатлари учун сарфлашга чақиради. Бундан ташқари маҳсулотни яратишда меҳнатнинг ролига ва ишлаб чиқариш воситаларининг иштирокига алоҳида эътибор беради. Шу билан бирга бойликни ҳалол меҳнат билан топиш, тўплаш ва фойдаланиш зарурлигини таъкидлайди [2:89].

С.А.Влазневанинг тадқиқ этишича, “Иқтисодий маданият – бу шахснинг жамиятда иқтисодий фаолият ва хулқ – атворида ўз – ўзини англашига, ўзига хос мослашишига, прогнозлашган ижтимоий – иқтисодий шароитларга интеграциалашувига имкон берувчи интеллектуал, ҳиссий ва амалий компонентлари, ахлоқий ва маънавий муносабатлари мажмуидир”. [3:167].

Педагогик тадқиқотларнинг хозирги холати бўлажак мутахассисларнинг рақобатбардошлигини кўрсатиб келмоқда.Олий таълим муассасаларида касбий тайёргарлик жараёнида бўлажак мутахассиснинг иқтисодий маданиятини шакллантириш учун педагогик шарт – шароитларни таҳлил қилиш ва иқтисодий маданиятнинг энг муҳим модели ва рақобатбардошлилиги, унинг таркибий қисмларининг мазмуни бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини бир нечта компонентлар мисолида белгилаш имконини берди.

**Схема 1.1**

**Бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини шакллантириш компонентлари**




Иқтисодий маданият педагог таъсирисиз шаклланмайди, педагогик жараён иштирокчилари, - педагоглар, раҳбарлар талабаларнинг иқтисодий маданиятларини ривожлантиришда уларнинг мотивациясини оширувчи педагогик воситалардан фойдаланишлари зарур. Талабаларни қўшимча рағбатлантириш иқтисодий маданиятни шакллантириш учун рағбатлантирувчи омил бўлиши мумкин. Талабаларни ижобий рағбатлантириш уларнинг иқтисодий маданиятларининг ошишидаги маотивациларни ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилади.Ўқув жараёнида иқтисодий маданиятни ривожлантириш, уни педагогик технологиялар ёрдамида лойихалаштириш ва амалга ошириш самарилидир, бу эса талабаларнинг бошқа воситалар орқали иқтисодий билимларини ривожлантириб боришларига амалий ёрдам беради. Иқтисодий маданиятни шакллантиришни рағбатлантириш технологиялари ички ва ташқи омиллардан иборат.

**Схема 1.2**

**Талабаларнинг иқтисодий маданиятини рағбатлантириш технологияси**




Талабанинг иқтисодий маданияти таркибида иқтисодий фикрлаш, иқтисодий жиҳатдан аҳамиятли шахсий фазилатларга эга бўлган шахснинг интеллектуал ва шахсий хусусиятлари кўрсатилган. Талабаларнинг иқтисодий маданияти даражасини ташхил қилиш танланган меъзонларга мувофиқ амалга оширилади:

- интеллектуал - когнитив;
- қимматли – мотивацион;
- креатив – фаолиятли.

Иқтисодий маданиятнинг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, у принципларга мувофиқ унинг шаклланиш йўлларини муайян мезонларга кўра аниқ ажратиб бермайди:

✓ интеллектуал – когнитив мезон талабаларнинг намоён эта олган иқтисодий билимларида ўз аксини топади;

✓ мотивацион – иқтисодий таълим натижасида;

✓ фаолиятнинг ижодий компоненти – иқтисодий фаолият натижасида.

Бу ўқув жараёнида иқтисодий билимларни амалиётда қўллаш имконияти мавжуд бўлган (иқтисод бўйича ҳисоб – китоб, ҳисоб китобларни иқтисодий таҳлил қилиш, ишлаб чиқариш амалиётлари, иқтисодий фаолиятда бевосита иштирок этиш каби) омилларда ҳам ўз аксини топади.

Иқтисодиёт соҳасида бўлмаган талабаларнинг иқтисодий маданиятини ривожлантиришимиз юқоридаги омиллар асосида билим, кўникма ва малакаларини оширишимиз учун ўқув режаларида кўрсатилган ўқув соатлари етарли даражада эмас. Шу сабабли таълим жараёнидаги иқтисодий билимларни ривожлантирадиган жараёнларини талабалар билан таҳлил қилиш лозим. Бундай холатларда асосан турли тренинглар, бизнес ўйинлар, мунозаралар, мунозарали презентациялар, кичик гуруҳларда ишлаш ва бошқалар ишлатилади. Ўқув режасида белгилаб қўйилган Иқтисодиёт назарияси фанидан ташқари қўшимча махсус курслар ташкил қилиниб, уларда талабаларга ўзлари эгаллаб турган мутахассисликлари доирасида “Менинг бизнес режам”, “Барқарор ривожланиш концепцияси” каби мавзуларни киритиб бориш заруратини келтириб чиқаради.

Бўлажак мутахассисларнинг замонавий иқтисодий билимларни эгаллашларида жамиятдаги ижтимоий ҳаракатларни ташкил қила олиш орқали ўзининг қобилияти ва қизиқишини намоён эта олишидадир. Ташкилотчилик ва коммуникатив қобилиятсиз бугунги кунда жамоада ишлай оладиган рақобатбардош педагог мутахассисни тасаввур қила олмаймиз.

**Адабиётлар**

1. Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари . -Т.: “Ғ.Ғулом”, 2017. 70-б.
2. Раззоқов А., Тошматов Ш., Ўрмонов Н. Иқтисодий таълимотлар тарихи. -Т.: «Молия». 2002, 89-90-б.
3. Влазнева С.А. Экономическая подготовка будущих педагогов профессионального обучения в вузе: дис. канд. пед. наук / С.А.Влазнева. –Пенза: 2009. –С. 167.
4. Сластенин В.А. Педагогика: уч. пособ. для вузов В.А.Сластенин, И.Ф.Исаев, А.И.Мещенко, Е.Н.Шиянов. -М.: Школа-Пресс, 1997. -С. 512.
5. Incheon declaration / Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea). –P.48.

**РЕЗЮМЕ**

Ушбу мақола бўлажак мутахассислар иқтисодий маданиятини ривожлантиришнинг педагогик шарт – шароитларини ойдинлаштиришга қаратилган бўлиб, унда бугунги кунда бўлажак мутахассисларнинг иқтисодий маданиятини оширишга таъсир этувчи омиллар, улар иқтисодий маданиятини шакллантиривчи компонентлар, иқтисодий маданиятни рағбатлантириш технологиялари, иқтисодий маданиятлилик даражасини ташхислаш мезонлари ёритиб берилган.

**РЕЗЮМЕ**

В данной статье основное внимание уделяется выявлению педагогических условий для развития экономической культуры будущих специалистов, включая факторы, влияющие на экономическую культуру начинающих специалистов. Рассматриваются компоненты формирования экономической культуры, технологии продвижения экономической культуры, а также критерии, выбранные для диагностики уровня экономической культуры.

**SUMMARY**

The article focuses on the identification of pedagogical conditions for the development of economic culture of future specialists, including factors affecting the economic culture of beginning specialists. The author studies components of the formation of economic culture, technology of promoting economic culture, as well as the criteria selected for diagnosing the level of economic culture.

## ПЕДАГОГИКАЛЫҚ ИСКЕРЛИКТИ ЖЕТИЛИСТИРИЎДИҢ ЗАМАНАГӨЙ ТАЛАПЛАРЫ

**И.К.Пирниязов –** *педагогика илимлериниң кандидаты, доцент*
*Әжинияз атындағы НМПИ жанындағы халық билимлендириў хызметкерлерин қайта таярлаў ҳәм олардың қәнигелигин арттырыў Аймақлық орайы*

**Таянч сўзлар:** педагогик фаолият, стратегия, компетентлик, касбий маҳорат, тенденция, модернизация, дастур, технологиялаштириш

**Ключевые слова:** педагогическая деятельность, стратегия, компетентность, профессионализм, тенденция, модернизация, программа, технологизация.

**Key words**: pedagogical activity, strategy, competence, professionalism, tendency, modernization, program, technology.

Өсип киятырған жас әўладқа тәлим-тәрбия бериў, оларды озық ойлы, терең пикирли, билимли ҳәм ҳәр тәреплеме жетилискен инсанлар етип тәрбиялаў халық билимлендириў системасының ең баслы ўазыйпаларының бири есапланады. Сонлықтан, мәмлекетлик сиясаттың билимлендириў мәселесиндеги принциплерин ретлестириў тийкарлары Өзбекстан Республикасының «Билимлендириў ҳаққында»ғы, «Жоқары ҳәм жоқары оқыў орнынан соңғы кәсиплик билимлендириў ҳаққында»ғы режелеринде, сондай-ақ, Өзбекстан Республикасының Президенти ҳәм Министрлер Кабинети қарарлары менен тастыйықланған билимлендириўди раўажландырыўдың миллий доктринасында да қәлиплестирилген [1].

Өзбекстан Республикасын және де раўажландырыў бойынша «Ҳәрекетлер стратегиясын»да тәлим ҳәм тәрбияны үзликсиз жетилистириў мәселеси «Билимлендириў ҳәм илим сферасын раўажландырыў» деп аталған төртинши ўазыйпасында анық белгиленип қойылған. Бунда «үзликсиз билимлендириў системасын раўажландырыў ҳәм жетилистириў курсын даўам еттириў, сапалы билимлендириўге ерисиўди жоқарылатыў ҳәм мийнет базарының ҳәзирги заман талапларына сәйкес жоқары квалификациялы кадрларды таярлаў процеси жүргизилмекте» деп атап көрсетилген [2].

Өзбекстан пуқараларына билим алыў мүмкиншилиги ҳеш қандай шәртлерсиз ҳәм шеклеўсиз, олардың жынысы, расасы, миллети, тили, социаллық шығысы, жасаў орны, ден саўлығы ҳәм тағы басқаларға қарамастан кепилленеди. Мәмлекет пуқараларға улыўма, орта, орта арнаўлы ҳәм басланғыш кәсиплик билим алыўды мәмлекетлик билимлендириў стандартлары тийкарында Өзбекстан көлеминде бирдей билимлендириў кеңислигин сақлаў мүмкиншилигин береди. Бул стандартлар тийкарғы билимлендириў бағдарламаларының миннети сыпатында питкериўшилердиң таярлық көлемине қойылатуғын талаплар менен минимум дәрежесин анықлап, оқыўшылардың билиминиң максимум көлемин анықлаўшы нормалар системасын өз ишине алады.

Өзбекстан Республикасының ҳәм жәмийеттиң ҳәзирги қәлиплескен сиясий, экономикалық, социал-педагогикалық жаңаланыў жағдайында халық билимлендириў системасын раўажландырыў тийислилиги айқын көринбекте. Соңғы жыллары педагоглар тәрепи-